

FAN, TA'LIM, TEXNOLOGIYA VA ISHLAB CHIQRISH INTEGRATSIYASI ASOSIDA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI

ХОДЖКИН ЛИМФОМАСИДАГИ МОРФОЛОГИК

ЎЗГАРИШЛАРНИ ИММУНОГИСТОКИМЁВИЙ

ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

(РНО ва РНАТМ СУРХОНДАРЁ ФИЛИАЛИДА 2020-2023

ЙИЛЛАРИДА)

А.Ж.Абдуллаев¹, Ж.Қ.Абдурасулов²

Абдуллаев Аҳмад Жаббор ўғли – Тошкент тиббиёт академияси

Термиз филиали Паталогик анатомия, суд тиббиёти, тиббиёт

хуқуқи кафедраси ассистенти, Термиз ш., Ўзбекистон.

Абдурасулов Журъат Қудрат ўғли – Тошкент тиббиёт академияси

Термиз филиали суд тиббиёти мутахасиси ординатори, Термиз ш.,

Ўзбекистон.

ahmadabdullayev27@gmail.com

, Тел: +99891-587-09-60.

Мавзунинг долзарблиги. Ходжкин лимфомаси нисбатан кам учрайдиган ўсма бўлиб, барча лимфомаларнинг 30 % ини ташкил қилади Муаллифларнинг таъкидлашича, сўнгги ўн йилликлар давомида Ходжкин лимфомаси билан касалланиш даражаси, турли ёш популяцияларида ва Осиё мамлакатлари аёллар орасида учраш даражаси ортиб бормокда [Stein X et al (2001), Metzger ML, Mauz-Körholz C (2019)]. Ходжкин лимфомалари (ХЛ) иккита асосий турни ўз ичига олади: классик ХЛ (СЛП) ва нодуляр лимфотситик-доминант ХЛ (НЛПХ). ХЛдаги сўнгги молекуляр кашфиётлар ўсма хусусиятларини даволаш ва аниқлашда кескин ўзгаришларга ёрдам берди. Масалан, ПД-1/ПД-Л1 блокадаси ва брентухимаб ведотин, ситотоксик бирикмани ташувчи анти-СД30 антикори ҳозирги вақтда ХЛ билан оғриган беморларда кенг қўлланилади [Satou A, et al (2022)].

Илмий ишнинг мақсади. Сурхондарё вилояти ҳудудида яшовчи Ходжкин лимфомаси билан касалланган беморлар орасида лимфомаларнинг патоморфологик характеристикасини, цитологик ва патогистологик шакллари, беморларда ўтказилган иммуногистокимёвий текширув натижаларини ва уларнинг ташхис қўйишдаги ахамиятини ўрганиш.

Материал ва усуллар. Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Сурхондарё филиалида 2020-2023 йиллар давомида Ходжкин лимфомаси ташхиси билан

FAN, TA'LIM, TEXNOLOGIYA VA ISHLAB CHIQRISH INTEGRATSIYASI ASOSIDA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI

даволанишда бўлган 55 нафар беморларни шамли блоклардан кайта кесма олиниб иммуногистокимёвий текширишдан ўтказиш учун кайта ишлов берилиб буюм ойначасига кесмалар олиниб, Иммуногистокимёвий текширув усули орқали Bond Leica Australia (Австралия) иммуногистопроцессордан фойдаланган холда CD15, CD30 CD20, Ki67 ва PAX5 антигени орқали қон томирлар зичлиги ўрганилди.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқот ишлари Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Сурхондарё филиалида 2020-2023 йиллар давомида Ходжкин лимфомаси касаллиги ташхиси қўйилиб, диспансерда даво муолажаларини олган 60 нафар бемор натижалари таҳлил қилинди

Ходжкин лимфомасининг лимфогистоцитар турида CD15 углевод ёпиштирувчи молекула, дисахарид ҳосиласи, гликлпротеинлар, глико-липидларнинг таркибий қисми бўлиб иммунологик муҳим молекула ҳисобланади. Иммуногистокимёвий кўриниши 15 нафар беморларда кўплаб лимфоид тўқимаси асосан майда ва эпителиоид лимфогистиоцитлардан ташкил топган. Березовский-Штеринберг кўп ядроли улкан хужайралари ва Ходжкиннинг бир ядроли хужайралари тўқ жигарранг ранга бўялган. (1-расм);

Ходжкин лимфомасининг лимфогистоцитар турида CD20 В лимфоцитлар антигени бўлиб, CD20 В-лимфоцитлар юзасида жойлашган оксил коррецепторидир. CD20 реагенти иммуногистокимёвий кўриниши 15 нафар беморларда кўплаб лимфоид тўқимаси пролиферацияси ва лимфо-гистиоцитлардан ташкил топган. Березовский-Штеринберг кўп ядроли улкан хужайралари ва Ходжкиннинг бир ядроли хужайраларидан ташкил топган. В лимфоцитлар фолликуласи тўқ жигарранг ранга бўялган (2-расм);

Ходжкин лимфомасининг лимфогистоцитар турида CD30 реагенти ўсимта некрози омили рецепторлари оиласидан хужайра мембранаси оксилдир. CD30 реагентининг мембрана билан боғланган шакли фаоллаштирилган Т ва В хужайралари юзасида пайдо бўлади ва сигнализация оксиллари билан ўзаро таъсири фаоллашишига олиб келади. CD30 реагенти Иммуногистокимёвий кўриниши 15 нафар беморларда кўплаб лимфоид тўқимаси асосан майда ва эпителиоид лимфо-гистиоцитлардан ташкил топган. Березовский-Штеринберг кўп ядролаи улкан хужайралари ва Ходжкиннинг бир ядроли хужайралари тўқ жигарранг ранга бўялган (3-расм);

FAN, TA'LIM, TEXNOLOGIYA VA ISHLAB CHIQRISH INTEGRATSIYASI ASOSIDA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI

PAX-5 реанти Ходжкин лимфомасининг лимфогистоцитар турида – В хужайра фаоллаштирувчи оксилни кодлайди. В хужайраларнинг маркери жумладан В лимфобластик неоплазмалар ва етилиш босқичларида иштирок этади. Иммуногистокимёвий кўриниши 15 нафар беморларда кўплад лимфоид тўкимаси асосан майда ва эпителиоид лимфогистиоцитлардан ташкил топган. Березовский-Штеринберг кўп ядроли улкан хужайралари ва Ходжкиннинг бир ядроли хужайралари тўқ жигарранг ранга бўялган (4-расм).

Тадқиқот натижаларини муҳокамаси. Олинган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики Ходжкин лимфомасининг лимфоид хужайралари устунлиги бўлганида 36,2% ҳолатда CD3, CD15, CD20 ва CD30, тугунли турида 28,4% ҳолатда, + CD45 занжири, бошқаларида 21,8% ҳолатларда CD57 розеткалари CD23 сезгирлиги аниқланди. Шу билан бирга юқоридаги текширув натижалари шуни кўрсатдики Ходжкин лимфомасининг лимфогистоцитар турида барча танлаб олинган иммуногистокимёвий реантилар CD15, CD30 CD20, PAX5 Березовский-Штеринберг кўп ядроли улкан хужайралари ва Ходжкиннинг бир ядроли хужайралари тўқ жигарранг ранга бўялган ва Ki67 антигенининг 40-50 % юқори позитив реакцияси кузатилди. Ходжкин нодуляр склероз турида барча танлаб олинган 15 нафар беморларнинг иммуногистокимёвий натижалари CD15, CD30 CD20, PAX5 реантиларида Березовский-Штеринберг кўп ядроли улкан хужайралари ва Ходжкиннинг бир ядроли хужайралари тўқ жигарранг ранга бўялган ва Ki67 антигенининг 30-40 % юқори позитив реакцияси кузатилди. Ходжкин кам лимфоцитар турида барча танлаб олинган 15 нафар беморларнинг иммуногистокимёвий натижалари CD15, CD30 CD20, PAX5 реантиларида Березовский-Штеринберг кўп ядроли улкан хужайралари ва Ходжкиннинг бир ядроли хужайралари тўқ жигарранг ранга бўялган позитив реакцияси ва Ki67 антигенининг 20-30% юқори позитив реакцияси кузатилди.

Хулоса.

1. ХЛнинг молекуляр тадқиқотларида муҳим янги тушунчалар пайдо бўлиши билан ХЛ терапияси ва таснифи доимо ривожланиб бормоқда. Ушбу мақолада касалликларни яхшироқ тушуниш учун ХЛнинг патологик ва молекуляр хусусиятларининг қисқача мазмуни ва янгиланиши келтирилган;

2. Иммуногистокимёвий текширув натижалари шуни кўрсатдики барча беморлар Ходжкин лимфомаси билан тўғри касалланган бўлиб CD15, CD30 PAX5 реантилари позитив реакцияси, CD20 реантининг

FAN, TA'LIM, TEXNOLOGIYA VA ISHLAB CHIQRARISH INTEGRATSIYASI ASOSIDA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI

фақат фолликуласида позитив реакция кузатилган. Полифератив активлиги бўйича Ki67 антигенининг лимфогистоцитар турида 40-50% юқори позитив реакцияси кузатилди, бу эса ушбу турини қисман агрессив кетишида намоён бўлди;

3. ҲЛ соҳасидаги сўнгги молекуляр кашфиётлар ўсма хусусиятларини даволаш ва аниқлашда кескин ўзгаришларга ёрдам берди.

Адабиётлар:

1. Metzger ML, Mauz-Körholz C. Epidemiology, outcome, targeted agents and immunotherapy in adolescent and young adult non-Hodgkin and Hodgkin lymphoma. Br J Haematol. 2019;185(6):1142-1157. doi: 10.1111/bjh.15789. Epub 2019 Feb 6. PMID: 30729493;

2. Satou A, Takahara T, Nakamura S. An Update on the Pathology and Molecular Features of Hodgkin Lymphoma. Cancers (Basel). 2022 May 26;14(11):2647. doi: 10.3390/cancers14112647. PMID: 35681627; PMCID: PMC9179292.